

## **Судьянинг лаёқатлилиги суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг кафолатидир**

Судлар одил судловни амалга оширишда ва қарорлар қабул қилишда у ёки бу даражада ҳар қандай соҳадаги фуқаролар ва юридик шахсларнинг фаолиятига таъсир кўрсатишлари мумкин. Бунда эса судья томонидан қабул қилинадига қарор қонуний, адолатли ва асослантирилган бўлиши талаб этилади. Ўз навбатида судья ўз вазифаларини лозим даражада бажариши учун ўз малакаси ва касбий билимларини мунтазам ошириб бориши, амалий кўникмаларини ва шахсий фазилатларини такомиллаштириб бориши шарт. Шу мақсадларда судья мустақил таълим олиш имкониятларидан фойдаланиши ва мунтазам равишда давлат малака ошириш тизимида қайта тайёргарликдан ўтиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Мазкур норма мазмунидан ҳам суд ҳокимиятининг мустақиллигига алоҳида эътибор қаратилади. Юридик адабиётларда суд ҳокимиятининг мустақиллиги унинг профессионализи, лаёқатлилиги, бошқа ҳокимиятлардан мустақил равишда ҳуқуқни қўллаши, шарҳлаши, уни ҳар қандай ҳимоя қилишни назарда тутди. Билим ва малакага эга бўлган судья суд ҳокимиятининг вакили сифатида одил судловни амалга оширишда мустақилликни намоён этиши мумкин.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, суд-ҳуқуқ соҳасида кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими таҳлили профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш учун зарур юқори стандартларни жорий этишга салбий таъсир кўрсатаётган қатор муаммолар мавжудлиги сабабли 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни

тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш асосий вазифалардан бири сифатида назарда тутилди.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 6 январдаги 4096-сонли Қарори билан ҳам судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллашга, шунингдек иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ой бўлган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш;

қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун ва моҳиятини етказишга, касбий, жумладан ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир кўникма ва қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш.

Судьялар одоб-ахлоқ кодексининг 10-моддасига кўра, судья ўз мажбуриятларини виждонан, юқори профессионал даражада бажариши, иш ўз вақтида ва малакали кўриб чиқилиши учун барча чораларни кўриши,

шунингдек тарафларни яраштиришга, низони тинч йўл билан ҳал этишга кўмаклашиши лозим. Судьянинг лаёқатлилигини унинг билим даражаси билан баҳолаш мумкин.

Бу эса судья томонидан ўз билими ва малакасини оширишга интилиши кераклигини англатади. Суд тизимидаги муҳим фаолиятларидан бири судьяларни одил судловни амалга оширишининг бутун даврида юқори даражадаги малакасини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Судьянинг билим даражаси унинг ишни кўриш натижалари ва қабул қилинган қарорлари билан баҳолаш мумкин. Судьянинг қарори юқори инстанция томонидан кўп бекор бўлиши, унинг судьянинг лаёқтати етарли эмаслиги ва қонунчилик нормалари мазмунини билмаслигининг аломатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Судья томонидан профессионал хатоликларга йўл қўйилиши бир томондан етарли малакага эга эмаслиги, иккинчи томондан ваколатини суистеъмол қилганлигидан далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, суд қарорларининг мунтазам равишда бекор қилиниши судьянинг профессионал фаолиятдани малака даражасининг пастлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддасига мувофиқ, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради. Судьянинг фаолияти меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинмайди, бироқ бу унинг одил судловни амалга ошириши жараёнида хато ва камчиликларга йўл қўйиши мумкинлигини англатмайди.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш учун олдинги олинган билимлар етарли бўлиб ҳисобланмайди. У мунтазам равишда ўз билимини ошириб бориши, шунингдек, иқтисодиёт, молия, халқаро ҳуқуқ,

жиноятларни очишнинг янги усуллари, психолог ва кўпгина бошқа соҳалардан хабардор бўлиб туриши лозим.

Судьянинг лаёқатлиги даражаси бевосита суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи билан боғлиги шундаки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Шуни қайд этиш лозимки, судья суд томонидан қўйилган саволларга жавоб бериши мумкин бўлган эксперт, мутахассисларни суд мажлисига таклиф этиш ҳуқуқига эга. Бироқ, мутахассисларнинг суд мажлисидаги иштирок этиши судьянинг малака даражасини компенсация қилишини англатмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг лаёқатидан қаноатланмасликлари мумкин. Бу эса судья томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигига таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолатда фуқарога суд ҳимоясида бўлиши тўлиқ таъминланмайди, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланмайди.

Судьянинг лаёқатсизлиги сабабли фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш даражасидан қаноатланмаганлиги низони ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар орқали ҳал қилишга шароит яратади. Бу эса жамиятда зиддиятларни вужудга келтиради ва ҳуқуқий давлат қуришга тўсқинлик қилади.

Шунга кўра, давлат ва жамият судьяликка муносиб номзодларни танлаш, судьяларнинг малакасини ошириш янги босқичга кўтарилишига барча чораларни кўриш лозим. Бу эса охир оқибат фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилашга хизмат қилади.

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоси,  
ю.ф.н., доцент, Каландарова Маликахон Пирназаровна*